

Бухорода «Минораи Калон» халқаро азон мусобақаси ўтказилади



14:11 / 02.01.2021 1001

Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида зиёрат туризмини янада ривожлантириш ва зиёратчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш чоратadbирлари тўғрисида»ги фармони лойиҳаси [эълон қилинди](#).

Фармонга илова қилинган «Узоқ хориж ва қўшни республикалардан хорижий зиёратчи сайёҳларни қабул қилиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича «Йўл харитаси»га мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида зиёрат туризмига оид маданий-маърифий тadbирларни ўтказиш режалаштирилган.

Хусусан, зиёратгоҳлар, уламолар ва уларнинг илмий мероси ҳақида илмий асосланган маълумотларни шакллантириш ҳамда зиёрат туризми салоҳиятини тўлиқ ўрганиш ва маълумотларни тизимлаштириш мақсадида қуйидаги халқаро тadbирларни ташкил қилиш чоралари кўрилади:

Термиздаги Имом ат-Термизий мажмуасида «Шамоиلى Муҳаммадия» халқаро сийрат мусобақаси;

Хорижий диний таълим муассасалари ўқитувчи ва талабаларининг Бухоро мадрасаларига танишув дарсларини уюштириш;

Бухоро шаҳрида «Ислом каллиграфияси ва наққошлик» танлови ўтказилади ва унинг якуни бўйича «Ислом каллиграфия галереяси» ва «Минораи Калон» халқаро азон мусобақаси;

«Ипак йўли руҳияти» халқаро илмий-маърифий конференцияси; Самарқанд шаҳрида «Имом Бухорий» номидаги халқаро ҳадисшунослик ва «Саҳиҳул Бухорий» энг қадимий ва нодир қўлёзма нусхаларининг жаҳон кутубхоналарида сақланиш тарихи» анжуманлари;

Тошкент шаҳрида «Имом Мотуридий илмий меросининг замонавий тадқиқотлари» анжумани;

Қарши шаҳрида «Абу Муин Насафий» Марказий Осиё уламолари анжумани;

Термиз шаҳрида «Термизий уламоларнинг ислом тамаддуни ва жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси» мавзусида анжумани.

Шунингдек, 2021 йилдан бошлаб ҳар йили «Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги» ва унинг доирасида «Тасаввуф оҳанглари» фестивали, «Мир Араб мадрасаси битирувчилари» форуми, «Сипо либослар кўргазмаси» (Modest fashion show) ёш дизайнерлар фестивали ташкил этиш ва ўтказиш белгиланмоқда.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳужжат лойиҳаси 2021 йил март ойида ишлаб чиқилиши белгиланган. Ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун – Дин ишлари бўйича қўмита, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Мусулмонлар идораси, Ислом цивилизацияси маркази, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Бадиий академия, Фанлар академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги масъул қилиб белгиланган.